2-маъруза Саноатда содир бўладиган хавфли зарарли факторлар. Саноат хавсизлиги фанининг мақсад ва вазифалари. Ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар

Режа

1. Саноатда содир бўладиган хавфли зарарли факторлар.Зарарли моддаларнинг киши танасига таъсири.

2. **Саноат хавсизлиги фанининг мақсад ва вазифалари.**

3. **Ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар**

Ишлаб чиқариш жараёнларини бажараётган ишчига меҳнат шароитидаҳар хил зарарли моддалар таъсир этиши мумкин. Бундай моддалар кишитанасига нафас олиш овқат ҳазм қилиш йўллари, тери ва шиллиқ парда орқалиНафас олиш йўллари ва ўпка орқали ўтган зарарли моддалар энг хавфлиҳисобланади. Зарарлимоддалар киши танаси орқали оз миқдорда бўлсада ўтиб физиологик жараёнларни бузилишига олиб келиши мумкин. Киши танасигаўтиб ҳужайра ва тўқималарни ишдан чиқарадиган пировардида ҳалок қиладиганхимиявий моддаларга заҳарлар дейилади.Киши танаси зарарли моддаларни танадан чиқаришга ёки емиришимкониятига эга бўлмаса заҳарланиши мумкин.

Заҳарланишнинг қанчалик оғир-енгил бўлиши киши танасига ўтганзаҳарнинг миқдорига, заҳарланиш кучига ва заҳарланган кишининг соғлигига бўғлиқ бўлади. Заҳарланиш ўткир ва сурункали бўлиши мумкин. Жуда кўп миқдордагизаҳарловчи модда қисқа вақт ичида таъсир қилганида ўткир заҳарланиш рўйберади. Оз миқдордаги заҳарнинг узоқ вақт тўхтовсиз таъсир этишидан сурункализаҳарланиш юз бериши мумкин.

Заҳарнинг киши танасига таъсири кўпгина омилларга: жумладан, заҳарнинг концентрациясига, организмда эрувчанлигига, заҳарланиш рўй берган иш ўрнининг ҳароратига, намлигига, заҳарнинг ёйилувчанлигига боғлиқ бўлади.

Заҳарли моддалар химиявий моддаларга ва ишлаб чиқариш чангларига бўлинади. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига кўра ҳамма заҳарли моддалар одамга таъсир этишига қараб тўрт синфга бўлинади.

1 Ўта хавфли заҳарли моддалар ;

(симоб, кўрғошин, бензоприн ва ҳоказолар).

2 Юқори хавфли заҳарли моддалар (олтингугурт кислотаси, ўткир заҳарли ишкорлар, бензол, марганец, водород хлор кислотаси ва х..к.)

3.Ўртача даражадаги заҳарли моддалар; (метил спирти, тамаки ва бошқалар.

4.Унчалик хавфли бўлмаган заҳарли моддалар;

Пайдо бўлиши ва физик хоссаларига кўрачангнинг киши организмига таъсири ҳар хил бўлиши мумкин, лекин ҳамма вақт ҳам чангнинг таъсири хавфлидир. Келиб чиқиши жихатидан чанг органик, анорганик ва аралаш чангларга бўлинади.

Органик чангига ўсимликлар чанги, ҳайвонот чанглари киради.

Анорганик чангга, металл чанги, минерал чанглар ва ҳоказолар киради. Органик ва анорганик чанглар қўшилиб ҳосил бўлган чанг аралаш чанг дейилади. Бунга асбобларни чархлаётганда ҳосил бўладиган чанг, ғалла чанги ва бошқалар.

Чанглар физик хоссалари жихатидан ҳам ҳар хил бўлади. Чанглар бир-биридан катталиги, солиштирма оғирлиги, заррачаларнинг йирик-майдалиги, портлаш жиҳатидан канчалик хавфлийлиги билан ҳам фарқ қилади. Чангнинг миқдори унинг оғирлиги билан ўлчанади. Оғирлиги эса бир куб метр ҳавога нисбатан миллиграмлар билан ифодаланади. (мг/м^3).

Нафас олганда кирадиган чанг миқдорининг тахминан 50% и бурун ичидаги тукларга ёпишиб қолади, қолган қисми эса ўпкага ўтиб бронхаларга чўкади. Ўпканинг ич-ичига ўтиб кетадиган жуда майда чанг зарралари анча хавфли ҳисобланади.

корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳам татбиқ этилади.

Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат ва зифаларини бажараётганда (шунингдек хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқликтаъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструксиялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, шикастланишлар, шунингдек табиий офатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари;

Ўз функсионал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек авариялярнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкини сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

Ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функсионал вазифаларини бажариш вақтида — йўл-транспорт ҳодисасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидаги, денгиз ва дарё транспортидаги, электр транспортидаги ҳодиса натижасидаги;

Иш берувчи томонидан буйруқ билан махсус ажратилган уйдан ишга ва ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек ушбу мақсадлар учун шартнома (буюртма)га мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

Иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи мавжуд бўлгандаги;

Иш берувчининг топшириғини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

Тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан қатъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро мудофааси бўйича ўқув машғулотлари, кўнгилли ёнғин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича корхона томонидан оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;

Сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги ва шаҳар ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасддан шикаст этказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хулосага мувофиқ энгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, бахтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, Ўзбекистон Республикаси «Саноат геоконтехназорат» давлат инспексияси ва

«Ўзенергоназорат» агентликлари органлари назоратдаги тегишли объектларда назорат қилади.

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қилади.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичида бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қилади. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органи, шунингдек жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс давлат меҳнат техника назоратчисига мурожаат қилади.

Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаганлиги ёки нотўғри тузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси хулосасини бажаришга мажбурдир.

Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қилади.